

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЎРИХОНОВ БАХТИЁР ХОЛМИРЗАЕВИЧ

УЧЛАМЧИ АМИНЛАРНИ АЛКИЛГАЛОГЕНЛАШ РЕАКЦИЯЛАРИ

02.00.03 – Органик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2020

**Кимё фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical
sciences**

Бўрихонов Бахтиёр Холмирзаевич Учламчи аминларни алкилгалогенлаш реакциялари.....	3
Бурихонов Бахтиёр Холмирзаевич Реакции алкилгалогенирования третичных аминов.....	21
Borikhanov Bakhtiyor Holmirzayvich Alkylhalogenation of tertiary amines	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЎРИХОНОВ БАХТИЁР ХОЛМИРЗАЕВИЧ

УЧЛАМЧИ АМИНЛАРНИ АЛКИЛГАЛОГЕНЛАШ РЕАКЦИЯЛАРИ

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/K110 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Қарши Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ik-kituо.nuu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холиков Турсунали Суюнович
кимё фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Махсумов Абдулхамид Гафурович
кимё фанлари доктори, профессор

Ходжаниязов Хамид Уткирович
кимё фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:


Тошкент фармацевтика институти

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университет хузуридаги DSc 03/30.12.2019.K.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг «16» «Декабрь» 2020 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-07-88; 227-12-24 факс: (+99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (97- рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел:(99871)227-12-24,факс (99824)246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz). ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-кават, 4-хона. Тел.: (99871)236-46-55; факс: (99871)246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил « 4 » декабрь куни тарқатилади.

(2020 йил « 4 » декабрь даги 12 рақамли реестр баённомаси).



Х.Т. Шарипов

Илмий варажalar берувчи илмий кенгаш раиси к.ф.д., профессор

Д. А. Гафурова

Илмий варажalar берувчи илмий кенгаш котиби к.ф.д.

Ж. Абдушукуров

Илмий варажalar берувчи илмий кенгаш қошдаги илмий семинар раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Бугунги кунда дунёда янги истиқболли биологик фаол бирикмаларнинг мақсадли синтезини амалга ошириш, уларни қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда турли зарарли ҳашоратлар ва касалликларга қарши муваффақиятли қўллаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, бу борада арзон, юқори самарали ва экологик тоза маҳаллий препаратлар яратиш, уларнинг физик-кимёвий, биологик ва фармакологик хоссаларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги, тиббиёт ва ветеринария соҳаларида учламчи аминларни алкилгалогенлаш орқали олинган тўртламчи аммоний тузларидан сирт фаол ва бактерицид хоссали моддалар синтез қилиш устида фаол изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, бу синф бирикмалари асосида яратилган препаратлар гербицид, фунгицид, ингибитор ва катализаторлар сифатида қўлланилмоқда. Шунинг учун, тўртламчи аммоний тузларининг мақсадли синтезини амалга ошириш, уларнинг тузилишини замонавий усуллар ёрдамида аниқлаш, олинган бирикмаларнинг турли биологик хоссаларини текшириш, танлаб олинган биологик фаол моддалар асосида янги препаратлар яратиш бўйича илмий тадқиқотлар бажарилмоқда.

Республикамизда турли органик бирикмалар асосида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўналишида илмий изланишларни юқори даражада ташкил этиш ва соҳани зарур бўлган препаратлар билан таъминлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада рақобатбардош препаратларни ҳам табиий хом-ашёлар ҳам синтетик органик кимё маҳсулотлари асосида яратиш борасида муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “касаллик ва зараркунандаларга чидамли, ҳамда юқори маҳсулдорликка эга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, бунинг учун зарур бўлган илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада N,N-диметиланилин, N,N-диэтиланилин, пиридин, N-бутилморфолинларни алкилгалогенлаш йўли билан маҳсулотлар синтез қилиш, уларнинг тузилишидаги ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, шу бирикмалар асосида биологик фаол моддаларни яратишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибadorлигини ошириш» тўғрисидаги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялари ривожланишининг VII. “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўртламчи аммоний тузларининг хоссаларини ўрганишда жуда кўп тадқиқотлар олиб борилган. Шу билан бирга синтез қилинган тўртламчи аммоний тузларининг қўлланилиш соҳаси жуда кенг ҳисобланади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу синф бирикмалари асосидаги изланишлар жадал олиб борилмоқда. Хусусан, Wang W., Jiang Y., Pernak J., Gabdrakhmanov D. R., Jia W., Соколова А.С., Huang Z., Миргородская А.Б., Krystian P., Фефелов А.А., Кушнир С.Р., Исламутдинова А.А., Чаусер М.Г., Гафуров Р.Г., Фахретдинов П.С., Elrasheed E., Miloš L., Yajie J. ва бошқалар тўртламчи аммоний тузларининг синтези ва уларнинг амалиётда қўлланилишини ўрганиш билан шуғулланганлар. Республикамизда мазкур йўналишда Тожимухамедов Ҳ.С. томонидан тўртламчи аммоний тузларини фазалараро катализаторлар сифатида қўлланилган. Шунингдек, Холиқова О.Ш. ҳам гептил, гексил занжирлари тутган тўртламчи аммоний тузларидан фазалараро катализда фойдаланган. Ушбу изланишларга қадар учламчи аминлардан диметил- ва диэтиланилин, пиридин, N-бутилморфолин, диэтилэтанолламинларнинг монохлорсирка кислотасининг бутил, пентил, гексил, нонил, децил, бензил эфирлари ҳамда ушбу кислота амиди билан реакциялари тизимли ўрганилмаган. Шунинг учун, ушбу реакцияларни қиёсий ўрганиш ва маҳсулотлар тузилишини аниқлаш, истиқболли моддаларнинг мақсадли синтезини амалга ошириш янги биологик фаол бирикмалар яратиш нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг П-15.17. «Маҳаллий хом ашё асосида кўтирга қарши фаолликка эга бўлган бензилбензоат ва унинг янги дори шаклини олиш» (2005-2008) мавзусидаги амалий лойиҳа асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади учламчи аминларни алкилгалогенлаш реакциялари натижасида тўртламчи аммоний тузларини синтез қилиш ва олинган бирикмалар тузилишини ҳамда биологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ароматик ва гетероциклик учламчи аминларнинг монохлорсирка кислотасининг айрим эфирлари ва 2,5-диметилбензилхлорид, гептилхлоридлар билан реакцияларининг оптимал шароитларини аниқлаш.

Ушбу жараёнлардаги монохлорсирка кислота эфирларининг фаоллик каторини таққослаш;

монохлорсирка кислотанинг бутил, пентил, изо-пентил, гексил, гептил, нонил, бензил эфирлари билан N,N-диметиланилин, N,N-диэтиланилин, пиридин, N-бутилморфолин, N,N-диэтилэтанолламинларнинг реакцияларини ўрганиш ва улардаги аминларнинг реакция қобилиятини ўзаро солиштириш;

монохлорсирка кислотаси амидининг N,N-диэтиланилин, N,N-диметиланилин, пиридин, N-бутилморфолин ва N,N-диэтилэтанолламинлар билан реакциясидаги оптимал шароитни аниқлаш;

N,N-диметилбензиламиннинг монохлорсирка кислотасининг пентил ва бензил эфирлари билан реакцияларининг оптимал шароитларини аниқлаш;

синтез қилинган бирикмалар тузилишини физик-кимёвий усуллар ёрдамида таҳлил қилиш ва уларнинг биологик фаолигини аниқлаб, амалиёт учун тавсия бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида учламчи ароматик аминлар, гетероциклик аминлар ва диэтилэтанолламин, шунингдек, монохлорсирка кислотасининг алкил ва арил эфирлари, 2,5-диметилбензилхлорид, гептилхлоридлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети учламчи азот атоми тутган турли аминобирикмаларнинг монохлорсирка кислотасининг алкил ва арил эфирлари ва амиди билан реакцияларининг оптимал шароитлари, реакция маҳсулотларининг тузилишини физик-кимёвий усуллар ёрдамида таҳлил қилиш ва уларнинг гербицид ва стимуляторлик, инсектицидлик каби биологик фаолликлари ва антикоррозион хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида нозик органик синтезнинг замонавий фундаментал ва амалий усуллари, юпқа қатлам хроматографияси ва юқори самарали суюқлик хроматографияси (ЮССХ), ИҚ- ва ЯМР-спектроскопия, ҳамда биологик ва антикоррозион фаолликларни аниқлаш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: илк мартаба N-бутилморфолиннинг монохлорсирка кислотаси эфирлари ва амиди билан реакцияларидан таркибида азотли гетероцикл, галоген (хлор) атоми ва мураккаб эфир гуруҳи сақлаган тўртламчи аммоний тузлари синтез қилинган;

тўртламчи аммоний тузларини олишга қаратилган тадқиқотларда монохлорсирка кислотаси алкил ва арил эфирларининг реакция қобилияти, шунингдек, ароматик ва гетероциклик аминларнинг реакция қобилияти ўзаро таққосланиб, ушбу бирикмаларнинг фаоллик катори аниқланган;

ароматик ва гетероциклик учламчи аминлар ва монохлорсирка кислотасининг турли эфирлари асосида синтез қилинган тўртламчи аммоний тузларининг стимуляторлик, гербицидлик ва инсектицидлик фаолликлари аниқланган;

синтез қилинган тўртламчи аммоний тузлари молекуласидаги фаол марказлар ва электронлар тақсимоти, энергетик катталикларини аниқлашга

қаратилган квант кимёвий ҳисоблаш тадқиқотлари асосида нуклеофил реагентлар сифатида қўллаш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

ароматик ва гетероциклик учламчи аминлар асосида монохлорсирка кислотаси эфирлари ва амидидан фойдаланиб тўртламчи аммоний тузларини синтез қилинган;

ароматик ва гетероциклик учламчи аминларнинг монохлорсирка кислотаси амиди билан реакцияларини турли эритувчиларда олиб бориш ва тегишли тўртламчи аммоний тузларини юқори унумларда олиш мумкинлиги аниқланган;

синтез қилинган бирикмалардан *N*-бензил-1-(2,5-диметилфенил)-*N,N*-диметиламмоний хлориди ва *N*-бензил-1-(2,5-диметилфенил)-*N,N*-диметилбензиламмоний хлориди саноат қурилмаларидаги коррозия жараёнига қарши ингибиторлар яратилган;

синтез қилинган тўртламчи аммоний тузларидан *N*-фенил-*N,N*-диметил-*N*-карбаминометил хлориднинг 0,001% ли эритмаси буғдой ва бодринг уруғларида ўсишни фаоллаштириш (стимуляторлик) фаоллигини намоён қилиши аниқланган;

бодринг уруғида ўтказилган тажрибаларда *N*-фенил-*N,N*-диметил-*N*-карбаминометил хлорид, *N*-(2,5-диметилбензил) пиридиний хлориди ва *N*-бутил-*N*-карбокси,изо-пентил морфолиний хлоридларининг 0,1% ли эритма ҳолида гербицид фаоллиги аниқлаш.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги органик синтез усуллари билан олинган моддаларнинг тузилиши, ИҚ- ва ЯМР-спектроскопия усуллари, шунингдек, ЮССХ усуллари ёрдамида олинган натижалар билан исботланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, илк бор тизимли тарзда монохлорсирка кислотасининг эфирлари билан ароматик (*N,N*-диметиланилин, *N,N*-диэтиланилин, *N,N*-диметилбензиламин) ва гетероциклик (пиридин, *N*-бутилморфолин) учламчи аминлар ва диэтилэтанолламин билан реакциялари олиб борилган, аминлар ва эфирларнинг фаоллиги қатори топилган ва жараёнларга таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ушбу синф тўртламчи аммоний тузларини синтез қилишнинг оптимал шароитлари кўрсатиб берилиб, мазкур шароитлар асосида 50та бирикма синтез қилинган, улардан 23таси янги. Синтез қилинган бирикмалар орасида юқори ўстирувчанлик, инсектицидлик ва гербицидлик фаолликка эга моддалар борлиги ва уларнинг кейинги амалий тадқиқотлар учун изланиш объекти бўла олиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ароматик ва гетероциклик учламчи аминларни алкилгалогенлаш реакциялари натижасида

олинган тўртламчи аммоний тузларининг синтези бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўртламчи аммоний тузларидан *N*-бензил-1-(2,5-диметилфенил)-*N,N*-диметиламмоний хлорид ва *N*-бензил-1-(2,5-диметилфенил)-*N,N*-диметилбензиламмоний хлорид қурилмалардаги коррозия жараёнига қарши ингибиторлар сифатида Муборак газни қайта ишлаш заводида амалиётга жорий қилинган (Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2020 йил 30 июндаги 824/GK-06-сон маълумотномаси). Натижада нефть ва газни қайта ишлаш соҳасида металл конструкция ва қурилмаларнинг эксплуатацион самарадорлигини ошириш имконини берган;

учламчи аминларни алкилгалогенлаш реакцияларидан олинган тўртламчи аммоний тузлари ИОТ-2016-7-21 рақамли « α -Аминонитриллар асосида юқори самарали биологик фаол бирикмалар синтези» мавзусидаги инновацион лойиҳада монохлорсирка кислотаси эфирлари асосида олинган тўртламчи аммоний тузларининг α -аминонитрил ҳосилалари ўсимлик граммусбат ва грамманфий бактерия микроорганизмларига қарши таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил июлдаги 89-03-2418-сон маълумотномаси). Натижада микроорганизмларига қарши юқори бактерицидлик хоссага эга бўлган мураккаб эфирларни олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, хорижий журналда 1 та мақола чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Тўртламчи аммоний тузларининг олиниши ва кўлланилиши**” деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлилий

хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлар асосида диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.


Диссертациянинг **“Учламчи аминларнинг монохлорсирка кислота эфирлари билан реакциялари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот натижалари келтирилган.

Учламчи аминларнинг монохлорсирка кислотаси эфирлари билан реакциялари.

Монохлорсирка кислотаси эфирларининг реакциялари дастлаб пиридин билан ўрганилди. Бунда эритувчи сифатида этилацетат, ацетон ва этанолдан фойдаланилиб реакциялар олиб борилди. Ишнинг дастлабки қисмида пиридиннинг монохлорсирка кислотаси эфирлари билан реакцияларининг оптимал шароитларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Реакцияларни олиб бориш учун пиридин ва монохлорсирка кислотасининг эфирлари этил спиртда эритилиб 1:2 моль нисбатда аралаштирилади. Реагентлардан монохлорсирка кислотасининг бутил-, пентил-, изо-пентил-, бензил-, эфирларида аралаштириш жараёнида реакция масса қизийди ва оқ тутун ҳосил қилади. Нонил- ва децил- эфирларида эса бу ҳодиса кузатилмайди. Бундан монохлорсирка кислотасининг юқори спиртлар билан ҳосил қилган эфирлари пиридин билан шиддатли реакцияга киришмаслиги тахмин қилинди. Аммо ушбу жараёндан сўнг идиш совутилганда маҳсулот унумининг юқори эмаслиги аниқланди. Реакциялар 30-40, 50-60, 70-80°C температура оралиқларида ўтказилиб, барча тажрибаларда 50-60°C температура оралиғида маҳсулотлар юқори унумда чиқиши аниқланди. Шу сабабли кейинги барча тажрибалар 50-60°C да 2-4 соат давомида қиздириш билан олиб борилган.

Пиридиннинг монохлорсирка кислотасининг эфирлари билан реакцияси



R –C₄H₉, C₅H₁₁, i-C₅H₁₁, C₆H₁₃, C₇H₁₅, C₉H₁₉, C₁₀H₂₁, C₆H₅CH₂-.

Тажриба натижаларида реакцияни олиб бориш учун энг маъқул эритувчи этанол эканлиги, ва реакцияни реагентларнинг 1:2 моль нисбатларида 60°C да 3 соат давомида олиб бориш қулай эканлиги кўринди. Қуйидаги жадвалда ушбу реакцияларнинг оптимал шароитлари келтирилган

**Пиридин ва монохлорсирка кислотаси эфирларининг реакциясининг
оптимал шароитлари (реагентларнинг моль нисбаталари
амин:эфир=1:2, ҳарорат 60⁰С, эритувчи этанол)**

№	Учламчи амин	Монохлорсирка кислота эфирлари	Реакция унуми, %
1	Пиридин	бутил	86
2		пентил	84
3		Изо-пентил	84
4		гексил	80
5		гептил	78
6		нонил	73
7		децил	73
8		бензил	81


Олинган тузларни тозалаш учун этил спиртда қиздириб фаолланган кўмир билан ишлов берилди ва филтрдан ўтказиб тозаланди ва қайта кристалланди. Натижада оқ рангли тузлар ҳосил бўлади. Ҳар бир тузнинг тозалигини юпқа қатлам хроматографияси ёрдамида аниқлаб, уларнинг физик константалари аниқланди ва тузилиши ўрганилди.

Олинган бирикмаларнинг тузилишини замонавий физик кимёвий тадқиқот усуллари билан ўрганилди. Маҳсулотларнинг ИҚ-спектрларида 1454, 1517, 1552, (ароматик ҳалқадаги C=C), пиридин молекуласида жойлашган C=C боғ учун тебраниши, 1604 N=C боғланиш учун тебранишни кўриш мумкин. 1644 (N⁺=C). ¹H ЯМР спектрида эса (400 МГц, CDCl₃, δ, м.д., J/Гц):- δ: 5.46 м.у. да N⁺-CH₂- боғланишдаги 2 та Н атомига, 7.55 м.у.да пиридин ҳалқасидаги 2- ва 3- Н атомларига тегишли сигналлар мавжуд. Шунингдек, 7.81 м.у. ва 8.43 м.у.ларда пиридиндаги ароматик Н атомларига тегишли, 12.93 м.у. да эса N⁺Н даги Н атомига тегишли сигналлар кузатилади.

N-Бутилморфолиннинг монохлорсирка кислотаси эфирлари билан реакциялари


Морфолин биологик жиҳатдан фаол бирикма бўлганлиги сабабли унинг турли бирикмаларини синтез қилиш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш назарий ва амалий жиҳатдан аҳамият касб этади.

Морфолин асосида тўртламчи аммоний тузларини синтез қилишда дастлаб морфолинни бутил бромид билан алкиллаб олинди, бу жараён адабиётдаги усул асосида амалга оширилди. Бунинг учун морфолинга бутил бромид кўшилади ва ДМФА да 3 соат давомида 120⁰С ҳароратда қиздирилади ҳосил бўлган аралашма совутилиб, 20 % ли NaOH эритмасидан кўшилади. Синтез қилинган бутилморфорлин ажратгич воронка ёрдамида реакцион аралашмадан ажратиб олинди. Маҳсулот унуми 54% ни ташкил этди.



Олинган N-бутил морфолиндан тўртламчи аммоний тузларини синтез қилиш мақсадида моноклорсирка кислотаси эфирларининг эритмасини N-бутил морфолин эритмасига қўшиб юқорида келтирилган методика асосида 3 соат давомида қиздирдик. Реакция натижасида N-бутил морфолиннинг тўртламчи аммоний тузларининг кристаллари ҳосил бўлди.

N-Бутил морфолиннинг моноклорсирка кислотасининг эфирлари билан реакцияси.




R – C₄H₉, C₅H₁₁, изо-C₅H₁₁, C₆H₁₃, C₇H₁₅, C₉H₁₉, C₁₀H₂₁, C₆H₅CH₂-.

Пиридиндан фарқ қилиб, бу жараёнда реакцион аралашманинг қизиши кузатилмади. Ушбу ҳолатни ҳажми катта бўлган бутил гуруҳининг азот атомидаги бўлинмаган электрон жуфтга фазовий таъсир кўрсатиши билан тушунтириш мумкин. Ушбу реакциларда ҳам реакция маҳсулотининг унумига реакция ҳарорати, реагентларнинг моль нисбатлари ва эритувчиларнинг таъсири ўрганилди. Олинган натижалар ушбу реакциялар учун этанолнинг мақбул эритувчи эканлигини, реагентларнинг оптимал нисбати эса N-бутил морфолин: МХСК эфири 1:2 бўлганда реакция маҳсулотининг юқори унум билан ҳосил бўлишини кўрсатди. Аввалги реакциялардан фарқ қилиб ушбу реакциялар 100-110 °С да юқори унум билан бориши аниқланган.

Келтирилган шароитларда моноклорсирка кислотасининг бутил эфири иштирокидаги реакцияда маҳсулот унумининг энг юқори (79%), децил эфирида эса нисбатан паст (67%) бўлиши аниқланган. Қуйидаги графикда маҳсулот унумига реагентларнинг моль нисбатларининг таъсири ифодаланган.

**N-Бутил морфолин ва моноклорсирка кислотаси эфирларининг
реакцияси унумига реагентларнинг моль нисбатларини таъсири**



Олинган бирикмаларнинг тузилишини замонавий физик кимёвий тадқиқот усуллари билан ўрганилди. N-бутил- N-карбоксибензил метил морфолиний хлорид тузининг унуми (3 г) 73% . Т.суюқ =221 °С.

ИҚ-спектри: 1613, 1586, 1485, 1384 см^{-1} каби ютилиш соҳаларида эса ўртача интенсивликдаги ароматик ҳалқага тегишли бўлган ҳалқа тебраниш кузатилади. 3064 см^{-1} , 3030 см^{-1} ютилиш соҳаларида модда таркибидаги ароматик ҳалқадаги =C-H боғларига тегишли бўлган паст интенсивлик ютилиш чизиқларини кўринади.


^1H ЯМР спектри (400 МГц, CD_3OD , δ , м.д., J/Гц): 1.39 (4H, с, CH_3), 2.10 (д 4H(CH_2)₂), 3.56 (с, 2H N- CH_2), 3.88 (2H, с, N- CH_2), 5.26 (1H, д, J=7.0), 7.29-7.35 (м 4H, ArH), 7.95 (д J=7.0, 1H, 6H).

Ушбу бирикманинг ПМР спектрида МХСК нинг бензил эфирига хос бўлган протонлар учун 7.29-7.35 (м 6H, ArH), 7.95 (д J=7.0, 1H, 6H) м.у.да сигналлар кузатилди. Туз ҳосил бўлганлигини 3.88 (с, 2H N- CH_2) протонларнинг сигналлари орқали исботлаш мумкин.

N,N-диэтиланилиннинг тўртламчи аммоний тузлари синтези

Аминлар ва уларнинг ҳосил қилган бирикмалари халқ хўжалигида жуда кенг қўлланилади. Жумладан, аминлар ва турли кислоталарнинг эфирлари, галогенорганик бирикмалар иштирокида олинадиган тўртламчи аммоний тузлари бугунги кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда.

Дастлаб, диэтиланилинни оддий шароитда ҳайдаб тозалаб олинди ва унинг эфирлар билан реакциялари этанол, ацетон ва этилацетат эритувчилари муҳитида ўрганилди.



R – C₄H₉, C₅H₁₁, i-C₅H₁₁, C₆H₁₃, C₇H₁₅, C₉H₁₉, C₁₀H₂₁, C₆H₅CH₂-.

Тажриба давомида монохлорсирка кислотасининг эфирлари ва диэтиланилининг моль миқдорларини турли (1:1, 1:1,5, 1:2) нисбатларда олинди. Реакцияни олиб бориш учун ҳажми 100 мл бўлган туби думалок колбага N,N-диэтиланилин эритмаси билан аралаштириб турган ҳолда монохлорсирка кислотаси эфирининг эритмасидан қўшилди. Маҳсулот унумини ошириш мақсадида реакцияни турли ҳароратларда олиб борилди. Реакция тугагач, реакция аралашмани петри чашкасига қуйиб эксикаторда 24 соат давомида қолдирдик, натижада кристалл шаклдаги тузлар ҳосил бўлди.

Ўтказилган тажрибалар натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, монохлорсирка кислотаси эфири таркибидаги алкил (арил) радикалининг маҳсулот унумига таъсири деярли сезилмайди. Реакциялар 60⁰С ҳароратда, этанол эритувчисида моддалар нисбатлари 1:2 бўлганда маҳсулотларнинг унумлари юқори бўлиши аниқланди. Олинган бирикмаларнинг физик катталиклари ўлчанди ва тузилиши ИҚ- ва Н¹-ЯМР-спектроскопия усуллари ёрдамида тасдиқланди.

2-жадвал

N,N-диэтиланилин ва монохлорсирка кислотаси эфирларини реакциясининг оптимал шароитлари

№	Учламчи амин	Монохлорсирка кислота эфирлари	Эритувчи	Реакция вақти	Реагентларнинг моль нисбатлари	Реакция ҳарорати °С	Реакция унуми %
1	N,N-диэтиланилин	Бутил	Этанол	3	1:2	60	91
2		Пентил	Этанол	3	1:2	60	88
3		Изо-пентил	Этанол	3	1:2	60	84
4		Гексил	Этанол	3	1:2	60	82
5		Гептил	Этанол	3	1:2	60	80
6		Нонил	Этанол	3	1:2	60	80
7		Децил	Этанол	3	1:2	60	74
8		Бензил	Этанол	3	1:2	60	80

N,N-диметиланилиннинг тўртламчи аммоний тузлари синтези.

Кейинги ишларимизда диметиланилиннинг хлорсирка кислотаси эфирлари билан реакцияларини ўрганилди. Реакцияларнинг умумий тенгламасини схематик равишда қуйидагича ифодалаш мумкин:



R –C₄H₉, C₅H₁₁, i-C₅H₁₁, C₆H₁₃, C₇H₁₅, C₉H₁₉, C₁₀H₂₁, C₆H₅CH₂-.

Ушбу тажрибалар 3 соат давомида, реагентларнинг амин:МХСК эфери 1:2 моль нисбатларида олиб борилди, реакция ҳарорати 50-60 °С. Бу ҳароратдан паст ёки юқорида ҳароратда ҳам унунинг ортишига эришиб бўлмади. Бунга сабаб қилиб юқори ҳароратда тузнинг қисман парчаланиши ҳисобига қўшимча моддалар ҳосил бўлишини кўрсатиш мумкин.


3-жадвал

***N,N*-диметиланилин ва моноклорсирка кислотаси эфирларини
реакциясининг оптимал шароитлари**

№	Учламчи амин	Моноклорсика кислота эфирлари	Вақт (соатда)	Реакция унуми %
1	<i>N,N</i>- диметиланилин	Бутил	2	78
			3	86
			4	82
2		Пентил	2	76
			3	85
			4	81
3		Изо-пентил	2	72
			3	83
			4	79
4		Гексил	2	73
			3	80
			4	72
5	Гептил	2	70	
		3	78	
		4	72	
6	Нонил	2	67	
		3	77	
		4	72	
7	Децил	2	66	
		3	74	
		4	71	
8	Бензил	2	73	
		3	81	
		4	75	

Тажрибаларни давом эттириб, кейинги ишларда *N,N*-диметилбензиламинни моноклорсирка кислотасининг бензил ва пентил

эфирлари, баъзи галогенидлар билан реакцияларини ўрганилган. Ушбу тажрибалар ҳам юқоридаги усуллар асосида олиб борилган ва юқори натижаларга эришилган.



Реакцияни турли хил ҳароратда, реагентларнинг моль нисбатларини ўзгартириб ва турли хил эритувчиларда олиб борилди.


Бу тажрибаларда эритувчиларнинг реакция унумига таъсирини ўргандик ва эритувчилар сифатида этилацетат, этил спирт ва ацетонларда олиб борилди. Натижалардан кўришимиз мумкин этанолда юқори унум билан реакция маҳсулоти олинди.

4-Жадвал

N-бензил-2-(бензилокси)-N,N-диметил-2-оксоэтиламмоний хлориднинг унумига эритувчиларнинг таъсири

№	Диметилбензиламин ва монохлорсирка кислотасининг бензил эфири моль нисбатлари	Эритувчи	Унум, %
1	1:1	Этилацетат	65
2	1:2	Этил спирт (абсолют)	84
3	1:1,5	Ацетон	73

N,N-диметилбензиламинни галогенидлар билан реакциялари. *N,N*-диметилбензиламин билан 2,5-диметил бензилхлорид, гептилхлорид, нонилхлоридлар билан реакциялари олиб борилган. Реакциялар натижасида тегишли тўртламчи тузлари синтез қилинди ва реакцияларнинг оптимал шароитлари ўрганилди. Реакция тенгламаси куйидагича.



N,N-диметилбензиламинни алкилгалогенлаш реакциясининг оптимал шароитлари келтирилган


Алкилгалогенид	Эритувчилар	Реакция вақти	Реагентларнинг моль нисбатлари	Реакция ҳарорати °С	Реакция унуми %
2,5-Диметилбензилхлорид	Этилацетат	3	1:1	60	74
	Этанол	3	1:2	60	80
	Ацетон	3	1:1,5	60	72
Гептилхлорид	Этилацетат	3	1:1	60	78
	Этанол	3	1:2	60	82
	Ацетон	3	1:1,5	60	80
Нонилхлорид	Этилацетат	3	1:1	60	68
	Этанол	3	1:2	60	81
	Ацетон	3	1:1,5	60	77

Реакцияларни турли шароитларда ўргандик реакцияга ҳарорат, вақт ва реагентларнинг моль нисбатлари таъсири ўрганилди.

N,N-диметилбензиламин билан алкилгалогенлаш реакциясида ҳам реакция маҳсулотининг унумига эритувчилар ва реакция вақтининг таъсири ўрганилди. Эритувчи сифатида ацетон, этилацетат ва абсолют этил спирти олинди.


N,N-диметилбензиламин билан монохлорсирка кислотасининг эфирларини реакциясида юқори натижаларга эришилди.

Олиб борилган тажрибаларнинг барчасида этанолнинг бошқа эритувчиларга нисбатан самарадорлиги аниқланди. Аминларнинг реакция қобиляти эса қуйидаги қаторда ошиб бориши аниқланди. Реакция қобилятининг ошиб бориши қуйидаги тартибда бўлиши келтирилган:



Учламчи аминларнинг монохлорсирка кислотаси амиди билан реакциялари.

Юқорида келтирилган аминларнинг хлорсирка кислотаси амиди билан реакциялари алоҳида ўрганилди.



R=Пиридин, N-бутилморфолин, Диметиланилин, Диэтиланилин, Диэтилэтанолламин.

Ушбу реакциялар ҳам юқорида келтирилган эритувчилар иштирокида 3 соат давомида олиб борилган. Монохлорсирка кислотаси эфирлари билан олиб борилган тажрибаларга нисбатан олганда унинг амиди билан олиб

борилган тажрибаларда унумнинг юқори бўлиши ва олинган бирикмаларнинг осон кристалл ҳосил қилиши аниқланди.

6-Жадвал

Хлорсирка кислотаси амидининг учламчи аминлари билан реакциясининг оптимал шaroитлари келтирилган

№	МХСК амиди	Учламчи амин	Эритувчи	Реакция вақти	Реагентларнинг моль nisbatлари	Реакция ҳарорати °С	Реакция унуми %
1	Хлорсирка кислотасининг амиди	Пиридин	Этанол	3	1:2	60	83
2		N-бутилморфолин	Этанол	3	1:2	60	81
3		Диметиланилин	Этанол	3	1:2	60	85
4		Диэтиланилин	Этанол	3	1:2	60	88
5		Диэтил-этанолламин	Этанол	3	1:2	60	82

Реакциялар натижасидан ҳарорат 40-50⁰С да реакция унуми паст чиққанлигини кўришимиз мумкин, бунинг сабаби паст ҳароратда учламчи амин ва монохлорсирка кислотаси амидининг эритувчиларда кам эриши билан изоҳлашимиз мумкин. 60⁰С дан юқори ҳароратларда реакцияларни олиб борганимизда реакциянинг унуми пасайишига олиб келди, унумнинг пасайишига реакция маҳсулоти билан бирга қўшимча бирикмаларнинг ҳосил бўлиши аниқланди.

Диссертациянинг “Тўртламчи аммоний тузларининг биологик фаоллиги” деб номланган учинчи бобда олинган моддаларнинг биологик хоссаларини текшириш натижалари келтирилган. Лаборатория тадқиқотлари Ўсимлик моддалари кимёси институтининг Фитотоксиология лабораториясида ўрганилди. Гербицидлик ва ўстирувчанлик фаолликлар Ю.В.Ракитин ва В.Е.Рудник усули ёрдамида буғдойнинг Татьяна ва бодрингнинг Орзу навли уруғида аниқланди.

Гербицид фаоллиги. Синтез қилинган 6 та (А-1, А-2, А-3, Т-2, Т-3, Т-6) бирикмаларни 0,1%, 0,001% ва 0,0001% концентрацияли эритмаларини ингибиторлик фаоллиги уруғлар униб чиқиши ва кўчатлар ривожланишига таъсири ўрганилди. Назорат уруғлар дистилланган сувда ивтилди. Эталон сифатида ўсишни бошқарувчи Флороксан ва Фюзилад супер ва Стомп гербицидлари ишлатилди. Тажрибаларда бир қатор талабларга жавоб берадиган буғдой дони (Татьяна нави) ва бодринг уруғлари (Орзу нави) ишлатилди. Чунки бу уруғлар биргаликда униб чиқади ва бир-бирига яқин ўсимталар ҳосил қилади.. Натижалар шуни кўрсатдики, Т-2, Т-2, Т-3, Т-6 бирикмаларнинг 0,1%, 0,001%. Бодринг ўсимталарида Т-2 моддасининг 0,1% концентрациясида гербицид хоссасини кўрсатди, бунда илдизларни 68,1% ва 38,2% га ингибирлаб жароҳатланишини камайтиради. Т-3 бирикманинг 0,1% концентратида илдизнинг узунлигини 91,9% ингибирлайди, стандарт бирикмада эса 42,0% га тенг эканлигини кўришимиз

мумкин. А-2 модда эса 0,1% концентрацияда 98,2% ва 100% ингибирлаши аниқланди, шунингдек ушбу бирикмалар гербицид фаолликни намоён қилди.

Ўстирувчанлик фаоллиги. Бирикмаларнинг ўстирувчилик фаоллиги уч хил концентрацияда олинди. 0,1%, 0,001 ва 0,0001% концентрацияларда ўрганилди. Натижалар шуни кўрсатдики, синтез қилинган **А-1, А-2, А-3, Т-2, Т-3, Т-6** бирикмаларнинг 0,0001% эритмаси буғдойга нисбатан юқори фаолликни намоён қилди. Бирикмалар орасида Бодринг уруғларида (икки бармоқли) тўртламчи аммоний тузлари билан қуйидаги натижаларни кўрсатди, Т-2 нинг 0,0001% концентрацияси, Т-6 нинг 0,0001% концентрациясида А-1 нинг барча учта концентрацияларида ва А-2 нинг 0,0001% концентрациясида, Т-2 бирикмасида илдизларининг узунлиги 8,17 см, 16% ва 4,98 см баландлиги 20,2% стандартдан юқори чиқди.

Инсектицидлик фаоллиги Пиридин, N,N-диэтиланилин ва N,N-диметиланилинлар асосида олинган тўртламчи аммоний тузларининг инсектицидлик фаоллигини ўрганиш учун уларнинг 1,0-0,1% концентрацияли эритмалари ишлатилди. Тажрибалар лаборатория шароитида олиб борилди. Натижаларга кўра **Т-6** ва **А-1** моддалар 24 соат ичида амалга оширилди, сўнг контакт таъсирга эга юқори инсектицидлик фаолликни намоён қилди. Лаборатория тажрибалари натижасида Т-6 ва А-1 моддаларининг 1,0-0,1% концентрациясида энг токсик эканлиги аниқланди. Т-6 ва А-1 моддалари билан *C. Maculates* устида тажрибалар ўтказилганда ўлим даражаси 1,0% концентрацияда $88,0 \pm 0,05\%$ ва $92,5 \pm 0,06\%$, 0,1% концентрацияда эса $65,4 \pm 0,14\%$ и $83,7 \pm 0,08\%$ натижаларни кўрсатди. Стандар сифатида олинган Багира инсектициди $86,2 \pm 0,11\%$ да ўлим даражасини кўрсатди. Т-3 моддасининг 1,0% ли концентрациясида *C. Maculates* нинг энг юқори ўлим даражасини кўрсатди, аммо уларнинг концентрацияси пасайиши билан мўътадил фаоллик кўрсатилди.

Диссертациянинг **тўртинчи бобида** тажрибавий қисм, тадқиқот усуллари, тўртламчи аммоний тузларининг ҳосил бўлиш реакциялари келтирилган. Олинган бирикмаларни идентификация қилиш ва тузилишини аниқлаш усуллари: хусусан, Юқори самарали суёқлик хроматографияси (ЮССХ), ИҚ, ЯМР спектроскопиялар натижалари баён қилинган.

Хулосалар

1. Монохлорсирка кислотасининг бутил, пентил, изо-пентил, гексил, гептил, нонил, бензил эфирларининг реакция қобилияти уларнинг учламчи аминлар билан ўзаро таъсирида бир-бирдан кескин фарқ қилмаслиги кўрсатилди.

2. Илк бор монохлорсирка кислотаси амидининг гетероциклик (пиридин, N-бутилморфолин) ва ароматик (N,N-диэтил- ва диметиланилинлар, N,N-диметилбензиламин) аминлар ва аминспирт (N,N-диэтилэтанолламин) билан реакциялари натижасида мураккаб эфир ва амид гуруҳи тутган бирикмалар олиш усуллари таклиф этилди.

3. Учламчи аминларнинг монохлорсирка кислотаси эфирлари ва амиди билан ўзаро таъсиридаги реакция қобилияти қуйидаги қаторда камайиб бориши кўрсатиб берилди: N,N-диметилбензиламин > N,N-диэтиланилин > N,N-диметиланилин > N,N-диэтилэтанолламин > N-бутилморфолин > Пиридин. Шунингдек, ушбу жараёнда N,N-диэтиланилин ва N,N-диметиланилинларнинг реакция фаоллиги юқори бўлиши келтирилди.

4. Синтез қилинган N-бензил-1-(2,5-диметилфенил)-N,N-диметил-аммоний хлориди ва N-бензил-1-(2,5-диметилфенил)-N,N-диметилбензиламмоний хлорид тузлари саноат қурилмаларини коррозиядан химояловчи ингибиторлар сифатида Муборак газни қайта ишлаш заводига тавсия этилди.

5. Синтез қилинган тўртламчи аммоний тузларидан N-фенил-N,N-диметил-N-карбаминометил хлорид 0,001% ли эритмаси ўсишни стимулловчи, шунингдек, N-фенил-N,N-диметил-N-карбаминометил хлорид, N-(2,5-диметилбензил) пиридиний хлорид ва N-бутил-N-карбокси, изо-пентил морфолиний хлориднинг 0,1% эритмалари гербицидлик хусусиятини намоён қилиш билан аниқланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc03/30.12.2019.К.01.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

БУРИХОНОВ БАХТИЁР ХОЛМИРЗАЕВИЧ

РЕАКЦИИ АЛКИЛГАЛОГЕНИРОВАНИЯ ТРЕТИЧНЫХ АМИНОВ

02.00.03 - Органическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/K110

Диссертация выполнена в Каршинском Государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.ik-kimyo.nuuz.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyounet.uz.

Научный руководитель: Холиков Турсунали Суюнович
Доктор химических наук, доцент

Официальные оппоненты: Махсумов Абдулхамид Гафурович
Доктор химических наук, профессор

Ходжаниязов Хамид Уткирович
Доктор химических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Ташкентский фармацевтический институт

Защита диссертации состоится « 16 » декабря 2020 года в « 10⁰⁰ » часов на заседании Научного совета DSc27.06.2017^{K.01.03} при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99824) 246-53-21, 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru. Административное здание Национального университета Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана за № 97 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан « 4 » декабря 2020 года.

(реестр протокол рассылки № 12 от 4 декабря 2020 года).



Х.Т. Шарипов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

Д.А. Гафурова

Член секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.х.н.

А. К. Абдушукуров

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация PhD диссертации)

Актуальность темы диссертации. Сегодня в мире осуществление целенаправленного синтеза новых биологически активных веществ, и их применение в сельском хозяйстве и медицине считается одним из актуальных задач. Особенно, в этом отношении имеет особое значение синтез дешевых, высокоэффективных и экологически чистых отечественных препаратов, и изучение их физико-химических и биологических свойств.

В мире активно ведутся исследования по синтезу поверхностно-активных и бактерицидных веществ на основе солей четвертичного аммония, получаемых алкилированием третичных аминов применяемых в сельском хозяйстве, медицине и ветеринарии. В частности, препараты на основе соединений этого класса используются в качестве гербицидов, фунгицидов, ингибиторов и катализаторов. Поэтому проводятся научные исследования по целевому синтезу солей четвертичного аммония, по определению их структуры современными методами, по исследованию различных биологических свойств, полученных соединений, по созданию новых лекарственных препаратов на основе выбранных биологически активных веществ.

